Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 159 (21. 258) 1992 йил 13 август, пайшанба ●

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ЙИГИРМА МИНГТА БАЙРОҚ ТАЙЁРЛАНДИ

Биз шу кунларда турли вазирликлар ва идораларнинг буюртмаси асосида юбилейга атаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроқларини ишлаб чиқардик. Улар 20 минг донага яқиндир.

Тўқимачилар байрам куни арафасида республика аҳолисини мамнун этиш мақсадида жуда кўп миқдорда ранг-баранг сифатли газлама матоларни савдога чиқаришга ҳозирлик кўришмоқда.

Катта корхонамиз меҳнат аҳли бу шодиёнани зўр кўтаринки руҳ билан нишонлайди. Ётоқхоналарда, спорт иншоотларида ва маданият саройида мустақиллигимизни улуғловчи бир қатор тадбирлар ўтказилади.

Ботир ЭРГАШЕВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош раҳбари, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Тошкентдаги «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни шарафига 12 хил гулли рўмоллар, шарфлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунгача Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги рамзи тушириллган 48 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

СУРАТЛАРДА: гул босиш цехи энлрак назоратчиси Саодат Абдурасулова (чапдан), тайёр маҳсулотлардан намуна ва илғор бригада бошлиғи Марям Усмонова.

Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

ҚЎНҒИРОҚ ЖИРИНГЛАДИ

Бўз районидаги 2-ўрта мактабда қўнғироқ одатдагидан ташқари — 1 август куни жаранглади. Шу куни юзга яқин 1-синф ўқувчилари мактаб томон оқиб кела бошладилар. Мактаб маъмурияти тажриба тариқасида бу ишни амалга оширди.

— Билимлар кунигача болалар мактаб, синфхоналар билан танишадилар. Дастлабки сабоқни ўрганадилар, — дейди мактаб директори А. Бекмирзаев. — Уларга кўпроқ ўйин машғулотлари билан бирга сабоқ дарслари ҳам берилмоқда. Бу йил мураббийлар билан бирга ёш ўқитувчиларга ҳам дастлабки тажриба ишониб топширилди.

Яна шуни айтиш керакки, Навоий номли жамоа хўжалиги ўз кучи билан янги 9 йиллик мактабни қуриб берди. Янги мактаб Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги байрами кунлари тантанали равишда очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонунга, МДҲ давлатларининг бож сиёсати принциплари тўғрисида 1992 йил 13 мартдаги битимга мувофиқ ҳамда ягона давлат бож сиёсатини ўтказиш, республиканинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, наркотик моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи моддалар контрабандасига қарши кураш самарадорлигини ошириш, шунингдек, тақиқланган буюмларнинг қонунга хилоф равишда олиб келиниши ҳамда моддий ва маданий бойликлар олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилиши устидан назорат қилувчи Давлат инспекциясининг Бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси ташкил этилиб, у бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Давлат божхона қўмитасининг бошқармалари ташкил этилсин ва улар бевосита Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитасига бўйсундирилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ўзларининг амалий фаолиятида халқаро ҳуқуқ меъёрларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган битимларига, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига амал қиладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги белгилаб қўйилсин:

берилган ҳуқуқлар доирасида республиканинг иқтисодий хавфсизлигини пухта таъминлаш, бошқа давлатлар билан савдо ва валютамолия муносабатларининг божга оид ишларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартиб ва миқдорда бож йиғимлари, пошлиналар, солиқлар ва бошқа тўловларни республика бюджетига ўз вақтида ўтказиш;

божхона ишлари масалалари бўйича республиканинг халқаро ҳамкорликда қатнашувини таъминлаш, божхона хизмати тармоқларини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг божхона статистикасини шакллантириш ва юритиш;

республиканинг ички бозорини муҳофаза қилиш, хом ашё, материаллар, маҳсулот, қимматбаҳо буюмлар ва товарлар, шунингдек,

(Давоми иккинчи бетда).

ТАРАДДУД

Бутун Ўзбекистонда бўлгани сингари Қашқадарё вилоятида ҳам мустақиллик кунининг бир йиллигини муносиб нишонлашга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Республика Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик вилоят комиссияси ишлаб турибди.

Мустақиллик байрами вилоятда ўзига хос шодиёнага айланади. Бу байрам шаҳар ва қишлоқларда ҳам зўр тантаналар билан нишонланади. Ҳозир бу ерда тайёргарлик билан боғлиқ бир қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашмоқда. Биноларни таъмирлаш, кўча ва хиёбонларни тартибга келтириш ишлари ниҳоясига етяпти.

— Вилоят аҳолисининг ўзи ободончилик бўйича шанба ва якшанбаликлар ўтказиш ташаббуси билан чиқяптилар, — дейди Нишон район ҳокими Ҳ. Пармонов. — Район марказидаги бош майдон, маданият ва истироҳат боғи байрамона безатилмоқда. Аҳоли ўртасида республика мустақиллиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Байрам арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ҳам ташкил этиляпти.

Вилоят маданият бошқармаси Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилинган куннинг бир йиллигига бағишлаб қизиқарли тадбирлар белгилаган.

— Қарши шаҳар болалар маданият ва истироҳат боғида катта дўстлик карнавали ўтказилади, — дейди вилоят маданият бошқармаси бошлиғи М. Ражабов. — Шу мақсадда қўшни Туркманистоннинг Чоржўй вилоятидаги туркман миллий халқ ансамбли, Тожикистон республикаси «Лола» давлат рақс ансамбли, Жанубий Корея республикаси давлат мукофоти лауреати, Тошкент вилояти «Политотдел» давлат хўжалиги халқ ансамбли, Қозоғистон Республикаси Олмаота давлат қозоқ халқ миллий ансамбллари таклиф этилди.

Бундан ташқари вилоятдаги Шаҳрисабз район «Шодиёна», Қарши район «Чўл чамани», «Момогул» ансамбллари, шаҳрисабзлик дорбозлар, Яккабоғ, Китоб, Қамаши райони полвонлари, қизиқчилари ҳам байрам кунларида ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Амалий санъат усталарининг жойларда ташкил қилинаётган каштачилик, зардўзлик ва кандокорлик кўргазмалари, дўстлик мушоиралари ҳам байрамга ажойиб файз бағишлайди.

Ҳозир вилоятдаги барча давлат ва жамоа хўжаликларида ҳам байрамга тайёргарлик қизғин боряпти. Мустақиллик байрами — 1 сентябрь куни олдидан Қарши районидаги «Ленинград» давлат хўжалигининг номи Қашқадарё вилояти оқсоқолларидан бири, биринчи Меҳнат қаҳрамони марҳум Чўли Бегимқулов номига қўйилди, хўжалик «Чўли ота» деб номланди. Зеро Чўли Бегимқулов Даштобод қишлоғида яшаб, ана шу хўжалик бешигини тебратганлардан бири эди. Байрам куни қишлоқда Чўли отага ўрнатилаётган ҳайкалнинг очилиш маросими ўтказилади.

Ульянов районидаги Алишер Навоий номли давлат хўжалиги марказида барпо этилаётган маданий-маиший комплекс тўла ишга туширилади. Бу ерда Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилади. Давлат хўжалиги меҳнат аҳли мустақилликнинг бир йиллигини меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятларга эришган ҳолда қутиб олмоқдалар.

Мустақиллик байрами шодиёнасида қатнашиш учун республикамиз пойтахти Тошкентга 200 га яқин киши йўл олади. Улар орасида Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикаси ишчиси З. Шарипова, Ульянов районидаги Ҳамза Ҳўжақулов номли совхоз бригада бошлиғи Ҳ. Эшонқулов, Баҳористон районидаги «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи бош чўпони Ч. Берноев, Қамаши районидаги К. Маркс номли совхоз директори Р. Омонов, меҳнат фахрийларидан С. Усмонов ва И. Жалилов каби ҳалол меҳнати билан элга танилган кишилар бор.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР, САМИМИЙ СУҲБАТЛАР

● Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Зомин ва Бахмал районларида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашди.

Зомин районидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» давлат хўжалиги аъзолари бу йил 7,5 минг тонна пахта етиштиришни мақсад қилиб қўйганлар. Ғўзанинг ҳозирги ривожи ҳосил мўл бўлишидан дарак беряпти. Ён-атрофдаги пайкалларда пишиб етилаётган сабзавот, мевачевалар ҳам мўл-кўл.

— Республикамиз тарихидаги энг катта воқеа яқинлашяпти, — деди М. М. Расулов хўжалик ишчи-хизматчилари билан бўлган учрашувда. — Халқимиз мустақилликнинг бир йиллик байрамини нишонлашга тайёрланмоқда. Жумҳурият раҳбарияти бу тўйни ҳар бир қишлоқ, шаҳар ва район марказида шодиёна ўтказиш тараддудини кўряпти. 31 август куни Тошкентда бошланадиган байрам тантаналари 1 сентябрь куни вилоятларда давом этади.

Шундан сўнг Марказий Кенгаш биринчи котиби республикадаги иқтисодий ва сиёсий вазият ҳақида батафсил ахборот берди. Республика Президенти И. А. Каримовнинг жумҳуриятни ҳозирги мураккаб иқтисодий танглик жараёнидан олиб чиқиш учун қилаётган ишлари ҳақида гапириб берди. Президентнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фармонлари жойларда қандай бажарилаётганлиги билан қизиқди.

Ўрта мактабни эндигина тугаллаган бир гуруҳ ёшлар «Зомин» давлат ширкати ғаллазорларида меҳнат қилишяпти. Бевосита хирмон бошида бўлган суҳбатда улар ишчиларга яратилган шароитдан мамнунликларини айтишди. Ўтган йили хўжаликда ҳар бир киши бошига 35 килограммдан ғалла тарқатилганди. Ҳосилнинг мўллиги бу йил ҳам таъминот ишининг янада яхшиланишидан далолат беряпти. Бунинг устига ҳар бир онлага деҳқончилик қилиш учун 25—30 сўтихдан қўшимча ер берилгани ҳам деҳқон мушкулини осон қиляпти.

— Бизнинг иқтисодий аҳволимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа мамлакатлардагидан ёмон эмас, — деди М. М. Расулов Бахмал районининг А. Усанов номли давлат хўжалиги боғбон ва чорвадорлари билан бўлган мулоқотда. — Ҳали дўконларимиздан бирор кун ун, нон аримади. Тўй-томошаларимизда бинойидек дастурхон ёзяпмиз. Бу — республикамиз ўз рўзғорини мустақил тебратаётгани мевасидир. Шунинг учун ҳам ҳозир ҳар бир киши ўзига «Мен мустақиллики мустаҳкамлаш ишига қандай ҳисса қўшяпман» деб савол бериши лозим.

— Котиб ҳақ гапни айтди, — деди учрашувдан сўнг биз билан суҳбатлашган меҳнат фахрийси Ш. Нурмонов. — Мустақилликка биз фақат самарали меҳнатимиз билан муносиб ўлуш қўшишимиз мумкин. ХДП аъзолари эса барча соҳада ташаббускорлик, тадбиркорлик кўрсатишлари керак.

Дарвоқе районда ХДП аъзолари сони салкам 1,5 минг нафарга етди. Шуниси айниқса диққатга сазоворки, партия сафига кираётганларнинг аксарият қисми ёшлар. Учрашувдан бир кун олдин хўжаликнинг беш нафар ишчи ва хизматчилари партия сафига киришганди. ХДП район кенгаши котиби Х. Эсонов уларни самимий табриклади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Зомин ва Бахмал районларидаги бир неча бошланғич ташкилотларда ҳам бўлиб, уларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишди. Партия фахрийлари, фаоллари, ХДПга янги кирган кишиларга партия аъзолик билетларини топширди. Дала меҳнаткашларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Учрашув ва суҳбатлар пайтида Марказий Кенгаш биринчи котибига Бахмал ва Зомин районлари ҳокимлари Ҳ. Аширқулов ва Н. Умаров, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Азимов, иккинчи котиби Ў. Носировлар ҳамроҳлик қилдилар.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ У. АБДУҒАНИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Ураимжон Абдуғаниев Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 12 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Э. Р. РУСТАМОВНИ «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» БОШЛИҒИ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Эргаш Раҳимович Рустамов «Главташкентстрой» бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри. 1992 йил 12 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 29 АВГУСТ ШАНБАДАН 1992 ЙИЛ 31 АВГУСТ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ҲАҚИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг бир йиллиги байрам қилиниши муносабати билан, меҳнат жамоаларининг истакларига пешвоз чиқиб, дам олиш куни 29 август шанбадан 1992 йил 31 август душанба кунига кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 11 август.

• Мухбиримиз бонг уради

АНДИЖОННИНГ ДАРВОЗАСИ БОРМИ?

● Агар йўлингиз Ўшга тушиб қолса, ҳозирда тобора танқис бўлиб бораётган пахта ёғини 35—40 сўмдан пуллашаётганининг гувоҳи бўласиз. Маълумки, Қирғизистонда, хусусан Ўш ва Жалолобод вилоятларидаги ёғ-мой комбинатларида тайёрланаётган пахта ёғи бу ерлик аҳолининг эҳтиёжини қондира олмайди. Андижонда эса савдо тармоқлари белгиланган талон бўйича пахта ёғини етказаолмаётир. Бундай вазиятдан чайқовчилар усталик билан фойдаланмоқдалар.

Чунончи Андижондаги ёғ-мой комбинатида ташмачилик авж олди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ўш вилояти Қорасув районидаги «Интернационал» кичик корхонаси раҳбарларидан бири Ботир Мухторов 12 тонна-ю 175 килограмм пахта ёғини қонунга ҳилоф равишда қўшни давлатга олиб кетаётганида қўлга олинди. Уни божхона ходимлари эмас, Ҳўжаобод район давлат автомобиль назорати катта лейтенанти Тўлқин Асадуллаев тутиб қолди. «Ўзбекистон Республикасидан ташқарига товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида»ги Қонунга асосан қойдабузарга жарима солиниб, пахта ёғи мусодара қилинди. Ҳўжаободликлар тўғри йўлни танладилар: мусодара қилинган ёғ касалхоналарга, болалар боғчаларига ва бечораҳол оилаларга давлат нархида тарқатилди.

Маълум бўлишича, бу ўғирлик пахта ёғи Андижон ёғ-мой комбинатидан ўмарилган экан. Ваҳолонки, Андижонда пахта ёғи тополмай қозони қайнаб-қайнамай юрганлар қанча...

Товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишни назорат қилиш бўйича Андижон вилоят давлат инспекциясининг маълум қилишича, ўтган олти ойнинг ўзида 170 минг сўмлик ун, 33 минг сўмлик гуруч, 164 минг сўмлик шакар, 16 минг сўмлик чой четга олиб чиқиб кетилаётганда ушлаб қолинган. Биргина пахта ёғининг ўзидан 393 минг сўмлиги олиб кетилаётганида қайтариб қолинди.

Тошкентда ҳам талонига пахта ёғи ололмасдан доди-ни кимга айтишни билмай юрганларни кўриб, ўйладим: ўша Андижон ҳудудидан ўғирланиб, республикадан олиб чиқиб кетилаётган пахта ёғи ҳам кимларнингдир насибаси-ку! Халқимиз «Ўғри бўлсанг ҳам инсофли бўл», деган. Ёки Андижон ёғ-мой комбинатидаги айрим кимсалар «Инсофсизга эрк берсанг элни талар» қабилида иш тутяптиларми? Қачон бундай қинғирликка чек қўйилади?

Афсуски, нопок йўллар билан ташқарига юк олиб кетиш фактлари талайгина. Масалан, шакар деб болалар эрталаб кўз ёши қилаётган бир пайтда Андижондаги «Бобур» кичик корхонасининг раҳбари В. М. Чудина Олмаота шаҳрига 9,6 тонна шакарни олиб кетаётганида юки мусодара қилинди. У 100 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Тартиб-қоидага кўра мусодара қилинган юкларнинг қиммати эгасига қайтарилади. Энди мантиқни қаранг. Шундай катта миқдордаги шакарни кўпчиликнинг ризқу-насибасига чанг солиб, олиб чиқиб кетаётган одамга 100 сўмгина жарима солинса-я! Бизнингча, республика манфаатига зиён етказадиган бундай кичик корхонанинг баҳридан ўтиш керак. «Бобур» деган номга иснод эмас-ми, бу! Бобомиз шакар ўғрилари ишлаётган кичик корхонага ўз номи берилганини эшитиб гўрида тик турмадимикан! Минг афсуслар бўлсинки, буюк адибларнинг номларини қўйиб олиб, ўзлари эса пинҳона қаллобликлар йўлидан бораётган кичик корхонаю, кооперативларни назорат қилувчилар борми? — деган ҳақли саволни ҳар қадамда эшитамиз. Андижон ҳокимлигида бундай саволга нима жавоб қилишаркин?

Тўғрисини айтсак, Андижондан нафақат ёғ ва шакар, балки бошқа маҳсулотлар ҳам ташиб кетилмоқда. Устига-устак олиб-сотарлик ишлари авжига чиқиб кетди.

Бизнингча, вилоятда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг дарвозаларини мустаҳкамлашга тўғри келади. Ё мол алмашиш ёки бўлмаса кимларнидир ўзаро шахсий манфаатларига хизмат қилувчи «шартномалар» баҳонаси билан республикадан ташқарига мол олиб чиқиб кетишга барҳам бериш пайти аллақачон келди.

Юқоридаги фактлар вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан чуқур таҳлил этилиб, ҳукуматнинг инсонпарварлик сиёсатию, республиканинг иқтисодий манфаатига қарши иш тутаётган корхоналарнинг раҳбарлари фаолиятига муносиб баҳо берилади, деб ўйлаймиз.

Ёдингизда бўлса, республика Президенти И. А. Каримов Андижонга қилган сафарларидан бирида, у ердаги маҳаллий раҳбарларга чайқовчилик, ташмачиликка қачон барҳам берилади, деган эди. Президент ўша нутқида вилоят раҳбарларини қаттиқ огоҳлантирганди. Афтидан бундан етарли хулоса чиқарилмаганга ўхшайди. Андижоннинг дарвозаси борми, ўзи?!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

маданий ва тарихий мерос буюмлари, маънавий мулк объектлари ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик; контрабандага ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш, наркотик моддалар, руҳиятга салбий таъсир қилувчи ва портловчи моддалар, қурол-яроғ қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига чек қўйиш;

Ўзбекистон Республикасининг божхонага оид Қонунида белгиланадиган бошқа вазифалар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ товар-моддий бойликларни олиб келиш ҳамда уларни олиб чиқиб кетишга доир божхона қоидаларини ҳар қандай бузиш ҳолларига чек қўйиш, контрабанда буюмларини ва бошқа моддий бойликларни мусодара қилиш;

— республика Молия вазирлиги билан биргаликда савдога дахлдор бўлмаган муомалада Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган ва унга олиб келинадиган буюмларга бож пошлиналари миқдорларига ўзгартишлар киритиш;

— Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган валютанинг чекланган меъёрини кўриб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига буюмларни олиб келиш ҳамда шу ҳудудга вақтинча олиб келинган буюмларни олиб чиқиб кетиш юзасидан белгиланган муддатни узайтириш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган (мулкчилик шаклидан ва қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар), вазирликлардан, идоралардан, ташкилотлардан, маҳаллий ҳокимият органларидан, ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчиларидан ташқи иқтисодий фаолиятни бож-тариф нуқтаи назаридан тартибга солиш вазифаларини ҳал қилиш, юклар ва молмулкни бир жойдан иккинчи жойга олиб боришда қонунийликни белгилаш, шунингдек, тегишли бож тўловлари ва йиғимларини республика бюджетига тўлаш учун бухгалтерия маълумотлари, ҳисоботлар, маълумотномалар ҳамда бошқа материалларни олиш;

— республика ҳудудида рўйхатга олинган ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчиларини улар Ўзбекистон Республикасининг божга оид қонунларига қандай риоя этаётганликларини текшириб туриш;

— божхона иши масалалари бўйича МДҲ мамлакатлари ҳамда ажнабий давлатларнинг божхона хизматлари билан ҳамкорлик қилиш, республика ҳукуматининг топшириғига биноан божга оид битимлар ва шартномаларни имзолаш.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг амалдаги қонунларга мувофиқ қабул қилган қарорларини барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажаришга мажбурдирлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимлари ўқ отиш қуролини, махсус воситалар ҳамда якка ҳимоя воситаларини сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқига ва зарур холларда ички ишлар органларининг ходимлари учун белгиланган қоидаларга мувофиқ уларни қўлланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тизимининг ходимлари учун махсус кийим-бош жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган барча ҳуқуқлар ва имтиёзлар, хизматни ўташ, жумладан, махсус ва шахсий унвонлар бериш, мансаб маошларига ва кўп йиллик хизматига устама ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари давлат божхона қўмитасининг ходимларига татбиқ этилади.

9. Божхона қўмитасининг ҳамда товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилиши устидан назорат қилувчи Давлат инспекцияси Бош бошқармасининг ва уларга қарашли ҳудудий органларнинг балансида бўлган бинолар, иншоотлар, техника, қуроллар, автотранспорт, алоқа воситалари ва бошқа мол-мулк Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тасарруфига бепул топширилсин.

10. Моддий-техника базасини ривожлантириш, ижтимоий дастурларни таъминлаш ва божхона хизматларининг ходимларига моддий ёрдам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг махсус жамғармаси ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу жамғарма асосли ва қонуний равишда мусодара қилинган товар-моддий бойликлар тўла сотилиб, бюджетга тегишли тўловлар ўтказилган тақдирда шулардан тушган маблағнинг 20 фоизи, шунингдек, савдога дахлдор бўлмаган муомалада бож йиғимлари, пошлиналар тарзида, контрабанда буюмларини сотишда хизмат кўрсатишдан олинадиган режадан ташқари даромадлар ҳисобига ташкил қилинади.

11. Ўзбекистон Республикасининг божга оид Қонуни қабул қилингунга қадар «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 24 июндаги Фармонига, шунингдек, СССР Божхона кодексининг ва «Бож тарифи тўғрисида» СССР Қонунининг ушбу Фармонга ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган қоидаларига амал қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1991 йил 25 октябрда чиқарган Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 15 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 10 август.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

БИРЖАЛАР ВА БИРЖА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун биржалар ташкил этиш ва биржа фаолиятини ҳуқуқий бошқариш тартибини белгилайди.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Биржа

Биржа аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очиқ савдо-сотиқ ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи, юридик шахс ҳисобланадиган корхонадир.

2-модда. Биржа фаолияти

Биржа фаолияти — товарларга бўлган талаб ва уларни таклиф қилишнинг амалда мавжуд нисбатларини аниқлаш ҳамда уни ҳисобга олган ҳолда нарх-навони шакллантириш асосида биржа товарларининг улгуржи бозорини вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатларнинг мажмуидан иборатдир

3-модда. Биржа товари

1. Мол-мулк, шу жумладан кўчмас мол-мулк, хизматлар, маҳсулот етказиб беришга доир шартномалар, интеллектуал мулк, қийматли қоғозлар, валюта маблағлари ва фуқаролар ўртасида муомалага чиқариладиган бошқа товар биржа товари ҳисобланади.

2. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, бошқа табиий ресурслар, маданият ва тарихга доир миллий бойликлар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа турдаги товарлар биржа товари бўлиши мумкин эмас.

4-модда. Биржа фаолиятининг қатнашчилари

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, хўжалик уюшмалари, брокерлик ва дилерлик фирмалари (идоралари), брокерлик, дилерлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари биржа фаолиятининг иштирокчилари ҳисобланади.

5-модда. Биржа ва биржа фаолияти тўғрисидаги қонунлар

Биржа тузиш ва биржа фаолияти билан боғлиқ муносабатлар «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

Ушбу Қонун меҳнат биржасига тааллуқли эмас.

II БЎЛИМ. БИРЖА ТАЪСИС ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

6-модда. Биржа таъсис этиш ва уни тугатиш

1. Биржа юридик шахслар томонидан ҳам, жисмоний шахслар томонидан ҳам, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан улар ўртасидаги ихтиёрий келишув асосида таъсис этилади. Биржа таъсис этиш таъсис шартномаси билан расмийлаштирилиб, унда биржанинг вазифалари ва фаолият соҳаси, биржа муассисларининг таркиби, устав фондининг миқдори, ҳар бир муассиснинг устав фондидаги улуши, улуш киритиш муддатлари ва тартиби кўрсатилади.

Биржанинг устав фонди 50 миллион сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Устав фондининг энг кам миқдори ҳар йили нархнаво даражасининг ўзгаришига мувофиқ равишда қонунларда белгиланган тартибда индексация қилиниши лозим.

2. Қуйидагилар:

давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий ҳамда маҳаллий идоралари;

давлат банклари ва давлат кредит муассасалари (бунда банклар фонд ва валюта биржаларининг муассислари бўлиши мумкин);

давлат суғурта ва давлат инвестиция компаниялари ҳамда фондлари;

жамоат, диний ва хайрия бирлашмалари (ташкилотлари) ҳамда фондлари;

қонунларга кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишиман этилган жисмоний шахслар биржа муассислари бўлиши мумкин эмас.

3. Биржа белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгандан кейин биржа савдо-сотиғи ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритади.

4. Биржани тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

7-модда. Биржа ташкил қилиш шакллари

Биржалар акциядор жамиятлар (очиқ ёки ёпиқ хилдаги), масъулияти чекланган жамиятлар каби хўжалик жамиятлари кўринишида ва бошқа шаклдаги уюшмалар тарзида тузилиши мумкин.

8-модда. Биржа турлари

1. Биржалар ихтисослашувига қараб:

товар биржалари, шу жумладан универсал ва ихтисослаштирилган биржалар;

фонд биржалари;

валюта биржалари;

товар-фонд биржалари;

интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотиқ қилувчи биржалар;

аралаш биржалар бўлиши мумкин.

2. Фонд ва валюта биржалари, товар-фонд биржаларининг фонд бўлимлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари махсус қонунлар билан тартибга солинади.

9-модда. Биржаларнинг хўжалик уюшмалари

1. Биржалар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш, биржа ҳаракатини ривожлантиришга оид бошқа вазифаларни ҳал этиш мақсадида иттифоқлар, уюшмалар ва ўзга бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

2. Биржа савдо-сотиғида рақобатга барҳам бериш ёки уни чеклаб қўйиш мақсадида биржаларнинг бирлашиши таъқиқланади ҳамда шунга қаратилган битимлар ва ҳаракатлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

10-модда. Биржанинг фаолият соҳаси

1. Биржа биржанинг савдо-сотиғини ташкил этиш ва уни тартибга солиб туришга доир фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

2. Биржа олди-сотди, савдо-воситачилик фаолияти билан бевосита шуғулланиши мумкин эмас.

Башарти, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз олдиларига ушбу Қонуннинг 2-моддасида назарда тутилган фаолият билан шуғулланишни мақсад қилиб қўймаган бўлсалар, биржа бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга пул қўйишга, уларнинг улуши (пайи)ни, акцияларини сотиб олиш ва муассиси бўлишга ҳақли эмас.

11-модда. Биржани бошқариш

Биржани бошқариш унинг уставига мувофиқ амалга оширилади. Биржа ўз бошқарувининг тузилиши, шакли ва услубларини мустақил белгилайди.

12-модда. Биржа устави

Биржа ўз фаолиятини муассислари тасдиқлайдиган устав асосида амалга оширади.

Биржанинг уставида:

биржанинг номи ва тури;

биржа манзилгоҳи;

биржа фаолиятининг соҳаси ва мақсади;

устав фондининг миқдори, муассислар томонидан фондга улушлар киритишнинг тартиби ва муддатлари;

даромадни тақсимлаш ва эҳтимол тутилган зарарларни қоплаш тартиби;

биржа муассислари ва аъзоларининг мулкий жавобгарлиги;

биржанинг бошқарув идоралари, уларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколатлари;

биржа савдо-сотиғи қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби;

биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тартиби, биржа аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

биржани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби белгилаб берилиши керак.

Уставда қонунларга зид келмайдиган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

13-модда. Биржанинг ҳуқуқлари ва вазифалари

1. Биржа ушбу Қонун ва ўз устави асосида биржа савдо-сотиғи қоидаларини қабул қилишга ва бу қоидаларнинг биржа савдо-сотиғининг барча иштирокчилари томонидан ижро этилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Биржа юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек биржа инфраструктурасини шакллантирувчи филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этишга ҳақлидир.

2. Биржа:

биржа савдо-сотиғи ўтказиш учун шароит яратиб бериши;

биржа операцияларини тартибга солиб бориши;

товарларга бўлган талаб ва таклифлар нисбати асосида нарх-навони аниқлаши;

биржа аъзолари ва мижозларига ташкилий йўсиндаги ҳамда бошқа хил хизматлар кўрсатиши;

мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) нарх-наво аниқланишига, индексацияси ва ўзгаришига, савдо-сотиқ вақти, товарлар, битим ҳажмлари, контрактларнинг миқдорларига ва бошқа кўрсаткичларга доир ахборотларни, товарлар бозорининг аҳволи ва унинг ривожланиши тахминларига доир таҳлилий шарҳларни эълон қилиши шарт.

14-модда. Биржа молмулки

1. Биржанинг мол-мулки асосий фондлар ва оборот маблағларидан, шунингдек жамоа эгалиги ҳуқуқида биржага қарашли бошқа мол-мулкдан иборат бўлади.

Биржа мол-мулки биржа қатнашчилари томонидан таъсис пайлари ва кириш бадаллари ҳисобига унинг эгалигига ёки унга ижарага берилади, шунингдек биржа томонидан ўз фаолиятидан орттирган даромадлар ҳисобига мулк сифатида сотиб олинади.

2. Биржа мол-мулкидан фойдаланиш тартибини биржа аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаб беради.

3. Давлат биржанинг мулкий ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини кафолатлайди. Қонунларда назарда тутилганидан бўлак ҳолларда биржа мол-мулкининг тортиб олинишига йўл қўйилмайди.

Биржанинг мулкий ҳуқуқларини бузиш туфайли, фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш оқибатида унга етказилган зараллар қонунларда белгиланган тартибда қопланади.

15-модда. Биржа аъзолари

Биржанинг устав капиталида иштирок этувчи (муассислар) ёхуд биржа мол-мулкига ўзга бадаллар киритувчи юридик ва жисмоний шахслар биржа аъзолари ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 6-моддаси 2-бандида санаб ўтилган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек мазкур биржанинг хизматчилари биржа аъзолари бўлиши мумкин эмас.

III БЎЛИМ. БИРЖА ФАОЛИЯТИ

16-модда. Биржа фаолиятининг асосий қоидалари

Биржа фаолияти:

ўтказиладиган жойи ва вақтини олдиндан тартибга солиш йўли билан биржа савдо-сотиғи самарадорлигини таъминлаш;

биржа товарлари бозорини шакллантириш;

эркин равишда юзага келадиган бозор нархларини қўллаш;

савдо-сотиқни ошкора ва омма олдида ўтказиш;

биржа битимларини тасдиқланган қоидаларга асосан эркин равишда тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш;

товарларнинг нархини белгилаш ва уларга доир маълумотларни эълон қилиш;

монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларга риоя этиш қоидалари асосида амалга оширилади.

17-модда. Биржа савдо-сотиғи иштирокчилари ва уларнинг биржа савдосидаги иштироки

Биржа аъзолари, биржа воситачилари, шунингдек биржа мижозлари биржа савдо-сотиғининг қатнашчилари бўлиши мумкин.

Брокерлик жойига эга эканлик ёхуд доимий ва бир галлик мижозлар томонидан савдо-сотиққа келганлик учун йиғимлар тўлаганлик биржа савдо-сотиғида бевосита иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Брокерлик жойига эга бўлмаган биржа аъзолари биржа савдо-сотиғида брокерлик фирмалари (идоралари) ва ушбу биржада ўз фаолиятини амалга ошираётган мустақил брокерлар билан тузган шартномалар асосида иштирок этадилар.

18-модда. Биржа фаолиятидаги воситачилик

Биржа фаолиятидаги воситачилик фақатгина биржа воситачилари — брокерлар ва дилерлар, брокерлик ва дилерлик фирмалари (идоралари) томонидан амалга оширилади.

Брокер — олди-сотди битимлари тузилишида ўз мижозларининг топшириғига биноан ва уларнинг номидан воситачилик хизматини амалга оширувчи шахсдир.

Дилер — биржада ўз номи ва ўз ҳисобидан воситачиликни амалга оширувчи шахсдир.

19-модда. Биржа савдо-сотиғи қоидалари

1. Биржа савдо-сотиғи қоидалари биржа аъзоларининг умумий йиғилиши ёки умумий йиғилиш ваколат берган биржанинг бошқарув идораси томонидан тасдиқланади.

2. Биржа савдо-сотиғи қоидаларида:

биржада амалга ошириладиган биржа операцияларининг турлари;

биржа савдо-сотиғи иштирокчиларининг таркиби ва уларга қўйиладиган талабларнинг мажмуи;

биржа операцияларини амалга ошириш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

биржа товарлари нарх-навосини аниқлаш тартиби;

биржа битимлари тузиш чоғида биржа аъзолари ва биржа савдо-сотиғи бошқа қатнашчиларининг ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби;

биржа хизматидан фойдаланганлик учун тўлов миқдори ва бу тўловларни белгилаш тартиби;

биржа қатнашчилари ва ходимларининг биржа савдо-сотиғи қоидаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги Низом акс эттирилиши шарт.

3. Биржа қоидаларида:

нарх-навонинг ўзгаришига таъсир кўрсатиш мақсадида бир шахс томонидан бевосита ёки сохта шахслар орқали товарларни (битимларни) олди-сотди қилиш;

биржа савдо-сотиғи қатнашчилари томонидан келишиб туриб биржадаги кундалик нарх-навони ўзгартириши ёки белгилаб бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар содир этиш;

бозор конъюктурасини сунъий равишда ўзгартириш олиб келиши мумкин бўлган сохта маълумотлар тарқатиш ман этилади.

4. Биржа фаолияти билан шуғулланишни рўйхатдан ўтказувчи ва бундай фаолият билан шуғулланиш учун лицензия берувчи давлат бошқаруви идоралари биржа савдо-сотиғи қоидаларининг ижро этилиши республика иқтисодиётига зарар етказиши мумкин бўлган тақдирда ушбу Қонун 16-моддасининг талабларига мувофиқ ана шу қоидаларга ўзгартиришлар киритишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

20-мода. Биржа операциялари

1. Муайян биржада тақдим этилган товарлар олди-сотдиси бўйича биржа воситачилари ўртасида тузилган, биржа савдо-сотиғи қоидаларига мувофиқ амалга оширилган ва белгиланган тартибда биржада рўйхатдан ўтказилган битимлар биржа операциялари деб эътироф этилади.

2. Биржада рўйхатга олинган битимлар нотариал идорада тасдиқланмайди, амалдаги қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

3. Биржа битимининг мазмуни (товарнинг номи, миқдори, нархи, ижро ўрни ва муддатидан бўлак) ошкор этилиши мумкин эмас. Биржа битимининг мазмунига доир маълумотлар фақат тергов ва суд идораларининг талаби билан тақдим этилиши мумкин.

4. Биржа битимлари биржа номидан ва унинг ҳисобига тузилиши мумкин эмас.

21-модда. Биржа битимларининг турлари

Биржаларда:

бор товарларнинг олди-сотди битимлари, шу жумладан товарларни дарҳол бериб юбориш ёки етказиб бериш ёхуд товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар топширишни ҳам кўзда тутувчи олди-сотди битимлари;

форвард битимлар, яъни бор товарни етказиб бериш муддатларини кечиктирган ҳолда харид қилиш ва сотишга доир битимлар;

фьючерс битимлар, яъни стандарт контрактларга доир олди-сотди битимлари;

опцион битимлар, яъни товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нархлар бўйича келгусида харид қилиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари;

биржа савдо-сотиғи қоидаларида назарда тутилган товарлар, контрактлар ёки ҳуқуқларни харид қилиш ва сотишга доир бошқа битимлар тузилиши мумкин.

Форвард ва фьючерс битимлари ҳамда опционлар савдосини амалга оширувчи биржа ўзининг ҳисоб-китоб (клиринг) марказлари орқали битимлар ижросини кафолатлаши шарт.

22-модда. Биржада товар экспертизаси

Биржа савдо-сотиқ қатнашчисининг талабига кўра биржа олди-сотдиси орқали сотиладиган мавжуд моллар сифатининг экспертизасини ташкил этиши шарт.

23-модда. Ҳисоб-китоб ва ҳисобот

Биржа ўз фаолияти натижаларининг оператив ва бухгалтерия ҳисобини, шунингдек амалдаги қонунларда белгиланган тартибда статистика ҳисоботини юритади.

Давлат статистика ҳисоботини бузиб кўрсатишда ёки белгиланган муддатда тақдим этмаганликда айбдор бўлган биржанинг мансабдор шахслари қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

IV БЎЛИМ. БИРЖА ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

24-модда. Биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

Биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш:

биржани ва биржа фаолияти иштирокчиларини (юридик шахсларни) давлат рўйхатидан ўтказиш;

лицензиялар бериш;

биржа фаолиятини солиқ солиш билан бошқариш;

биржага доир қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат тасарруфида бўлмаган тузилмаларнинг биржалар ва биржа қатнашчилари фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва уларга лицензия бериш ишларига аралашувига йўл қўйилмайди.

25-модда. Биржани ва биржа фаолияти қатнашчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш

1. Биржани давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўтказади, биржа фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш эса «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қатъий суммаларда давлат пошлинаси ундирилади.

2. Биржани қайта рўйхатдан ўтказиш унинг таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси ва устави) ўзгаргани тақдирдагина амалга оширилади.

3. Асоссиз равишда рўйхатдан ўтказишни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

26-модда. Биржа фаолиятига лицензия бериш

Қийматли қоғозлар, валюта, кўчмас мулк, интеллектуал мулк, билан савдо операциялари бажариш биржа фаолияти қатнашчилари томонидан лицензиялар асосида амалга оширилади.

Биржа фаолиятига лицензия бериш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридагч Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради.

Биржа фаолиятининг қатнашчиларига лицензия у давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган идора томонидан тақдим этилади.

27-модда. Биржа фаолиятини солиқ йўли билан тартибга солиш

Биржа фаолиятини солиқ йўли билан тартибга солиб туриш корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

28-модда. Биржа қонунларига риоя этилиши устидан назорат қилиш

Биржаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда биржа фаолияти қатнашчиларига лицензиялар бериш ишини амалга оширувчи давлат бошқаруви идоралари биржалар ва биржа қатнашчилари биржага доир қонунларга риоя этишларини назорат қиладилар.

29-модда. Биржанинг ташқи иқтисодий фаолияти

Биржа ташқи иқтисодий фаолиятини ушбу Қонун ва амалдаги қонунларда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан кейин амалга оширади.

Биржа савдо-сотиғига қўйиш учун мўлжалланган товарларга доир экспорт ва импорт ишлари биржа воситачилари томонидан амалга оширилади.

30-модда. Биржа фаолиятига давлат кафолати

Давлат амалдаги қонунларга зид бўлмаган барча турдаги биржа битимлари бўйича мулкчилик ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини кафолатлайди.

Давлат бошқаруви идоралари биржа фаолияти қатнашчиларининг фаолиятига аралашишга ҳақли эмас, қонунларда назарда тутулган ҳоллар бундан мустаснодир.

V БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА БИРЖА ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

31-модда. Низоларни қараб чиқиш тартиби

1. Биржа фаолияти қатнашчилари ўртасида, шунингдек биржа фаолияти қатнашчилари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари ўртасида келиб чиқадиган низолар ҳакамлик судлари ёки халқ судлари томонидан ҳал этилади.

2. Биржа битимлари қатнашчилари ўртасида биржа савдо-сотиғи қоидаларида назарда тутилган масалалар юзасидан келиб чиққан низоларни биржанинг ҳакамлик комиссияси ҳал этади, томонлардан бирортаси унинг қарорига рози бўлмаган тақдирда эса тегишли ҳакамлик суди ҳал этади.

Низоларни ҳакамлик комиссиясида қараб чиққанлик учун ҳақ ундириш таъқиқланади.

32-модда. Биржа ва биржа фаолияти қатнашчиларининг жавобгарлиги

1. Биржаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва биржа қатнашчиларига лицензиялар бериш билан шуғулланадиган идоралар 1, 2, 6 (2-банд), 9 (2-банд), 10, 13 (2-банд 4-хатбоши), 15 (2-банд), 19 (3-банд), 29-моддаларда назарда тутилган қоидалар бузилган тақдирда биржа фаолиятини ва лицензияларнинг амал қилишини уч ойгача тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

2. Башарти, биржа ушбу Қонун қоидаларини бузишда давом этаверса, назорат қилувчи идоралар биржа савдо-сотиғи уюштириш учун биржага берилган лицензияни бекор қилишга ҳақлидирлар.

3. Ушбу Қонуннинг қоидаларини бузганларга нисбатан:

биржа фаолиятининг қатнашчиси бўлган корхонанинг мансабдор шахсини биржага доир қонунлар бузилганлиги ҳолларига 15 кунлик муддат ичида барҳам бериш тўғрисида огоҳлантириш;

биржа фаолияти қатнашчиси бўлган юридик шахслардан 500 минг сўмгача миқдорда жарима ундириш;

биржа фаолияти қатнашчиси бўлган корхоналарнинг мансабдор шахсларидан 50 минг сўмгача миқдорда жарима ундириш каби жавобгарлик чоралари ҳам қўлланиши мумкин.

Биржага доир қонунлар бузилишига йўл қўйганлик учун жавобгарлик турини аниқлаш биржага доир қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи идораларнинг ваколатига киради.

Жазо тариқасидаги жарималар назорат қилувчи идора томонидан ҳакамлик судида ёки халқ судида даъво қўзғаш йўли орқали ундирилади.

4. Биржага доир қонунлар ва биржа савдо-сотиғи қоидалари бузилганлиги учун жарима ундириш тўғрисида ҳакамлик судида ёки халқ судида даъво қўзғатган давлат бошқаруви идоралари давлат пошлинаси тўлашдан озод қилинади.

5. Ушбу моддага мувофиқ ундириб олинган жарима суммалари тўлиқ миқдорда тегишли бюджетга ўтказилади.

6. Жарима миқдорлари нарх-наво даражасининг ўзгаришига мувофиқ индексация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«БИРЖАЛАР ВА БИРЖА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилиниши билан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар амалдаги норматив ҳужжатларнинг ушбу Қонунга зид келмайдиган қисми қўлланилавериши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклифларни тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг ушбу Қонунга зид келадиган норматив ҳужжатлари қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминласин;

биржа товари бўлиши ман этиладиган мол-мулк турларининг, миллий, маданий ва тарихий бойликларнинг рўйхатини тасдиқласин;

биржаларнинг устав фондларини индексация қилиш тартиби белгиласин;

ушбу Қонунни амалга оширишга доир тегишли қарорлар қабул қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитаси ушбу Қонуннинг ижроси устидан назорат ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

Ўзбекистонда транспорт хизмати кўрсатадиган яна бир автокорхона иш бошлади. У «Ўрта Осиётранс» деб номланди, «Ўзхорижтранс» ва юк ташувчи бошқа ташкилотлар билан рақобатда ишлайди. Эндиликда мижозлар юк ташувчини ўзлари танлаш имконига эга бўлдилар.

«Ўрта Осиётранс» юк ташиш халқаро фирмаси Тошкент, Термиз, Фарғона, Жиззах шаҳарларида ўз салмоқли базаларига эга. Ҳозирча фирма МДҲ давлатлари доирасида фаолият кўрсатяпти. Яқин вақт ичида ўз қудратли «КамАЗ»лари билан Туркия, Хитой, Афғонистон, Покистонга ҳам йўл олади.

Суратда: машина ҳайдовчилар олис сафарга чиқиш олдидан.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ПОКИСТОН—ЎЗБЕКИСТОН—АФҒОНИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

Қобулдаги қонли воқеалар ҳам Покистонга ташриф буюрган Афғонистон раҳбари Б. Раббонининг сафарига тўсиқ бўла олмади.

Маълум бўлишича, М. Навоз Шариф Б. Раббонига Исломободга келаётган Ўзбекистон Президенти И. Каримов билан бўладиган музокараларда иштирок этишни таклиф этди. Пировардида Исломободда уч томонлама Покистон — Ўзбекистон — Афғонистон музокаралари бўлиши кутилмоқда.

РАҲБАРЛАР УЧУН ОЛТИ КУНЛИК ИШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ

Кемерово вилоятининг ҳокими И. Кислюкнинг фармойиши билан вилоятдаги ташкилот, корхона, муассасаларнинг раҳбарлари учун олти кунлик иш тартиби жорий этилди.

Кислюкнинг фикрича, ишнинг ҳаддан ташқари кўплигидан раҳбарлар беш иш куни давомида улгуришмаётган эканлар. Боз устига, олти кунлик иш тартиби қишга пухта тайёргарлик учун имконият яратади, деб ҳисоблашмоқда кузбасликлар.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон сув хўжалиги вазирлари Қирғизистоннинг пойтахти Бишкек шаҳрида бугун кенгашга тўпланишди. Сув тўғайли чиқиши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш ва шу давлатларда сувдан фойдаланиш схемасини ишлаб чиқиш кенгашнинг бош мавзусидир. Сув хўжалиги вазирлари ирригация иншоотларидан биргаликда фойдаланиш муаммоларини ҳам муҳокама қиладилар, металл конструкциялар ва ускуналарни биргаликда ишлаб чиқариш тўғрисидаги битимни имзолайдилар. РАТА-ТАСС муҳбирининг 12 августа Бишкекдан хабар қилишича, вазирлар «акс ҳолда иш битмайди» деган хулосага келганлар.

(ЎзА).

Мустақиллик ишчанликни ёқтиради

- **Бу нархлар ўткинчими ёки турғун нархми?**
- **Бозор муносабатлари чегарасиз эмас-ку!**
- **Гўшт суяксиз, сут зардобсиз бўлмас.**
- **Гап режадамас, маҳсулот сифатида.**
- **Бир-биридан мураккаб муаммолар.**

ЧИГАЛ КАЛАВА

ДЕМАК ИШНИ ШАРТНОМА ШАРТЛАРИГА ЭРИШИШДАН, КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАН БОШЛАМОҚ КЕРАК, ДЕМОҚДА НАВОИЙ СУТ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

ХОЗИРГИ ўтаётган ҳар бир кун гўёки тушга ўхшайди. Кечаги нарх-наво бугундан, бугунгиси эса эртангисидан еру осмон қадар фарқ қилмоқда. Шундан бўлса керак, зада бўлган ҳар бир фуқаро: «Бозор иқтисодиётими ёҳуд давр фалокатими?», дея юрагидагини тўкиб солмоқда. Тўғрида, ҳозирги танглик давридаги нархларнинг чегараси-ю тўхтами борми, ахир? Дарҳақиқат шу кунларда қимматчилик, пул путрсизлигига дуч келяпмиз. Бундай беқарорлик фуқароларнигина эмас, балки катта-катта саноат корхоналари, завод-фабрикаларни ҳам инқирозга тортмоқда, иқтисодиётни издан чиқармоқда.

Бунга мисол қилиб Навоий сут заводини ҳам кўрсатиш мумкин. Очиқ айтадиган бўлсак, завод бозор иқтисодиёти даврига келиб пароканделикка учрай бошлади. Биринчи сабаби шартнома шартларининг бузилиши, собиқ Иттифоқнинг тарқалиши бўлса, иккинчи сабаб — юқорида қайд этганимиздек, бало-қазодек ёпирилиб келаётган қимматчиликдир.

«Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади», деганлари рост. Негаки, нархнавога кўниксак-да, рўй бераётган узилишлар, ҳом ашё тақчилликлари, барибир, ишнинг белига теппмоқда. Бу ҳолатлар заводни қолоқликка маҳкум этмоқда. Натижада завод раҳбариятининг елиб-югуриши ҳам, кўндаланг бўлиб турган муаммолар юзасидан ҳокимлик ва вазирликларга мурожаат қилишлар ҳам самара бермаяпти.

Шунга ўхшаш узилишлар оқибатида бултур заводда 26 минг тонна ўрнига 24 минг 282 тонна сут қайта ишланди. Бу — йиллик режа 94 фоиз атрофида қолиб кетди, дегани. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаси ҳам 93,5 фоиз оралиғида уддаланди. Тўғри, биз завод раҳбарларини, корхона жамоасини имкониятлар даражасида ишлашмади, демоқчи эмасмиз, албатта.

Лекин аниқки, режалар бажарилмаслигига шартномалар адо этилмаслиги, таъминотдаги узулишлар сабаб. Масалан, завод ишчиларининг хатти-ҳаракати, резервлардан оқилона фойдаланиш эвазига бултур 20 минг тонна тоза сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.: Бундан ташқари 78 тонна пишлоқ, 234 тонна сариёғ, 51 тонна музқаймоқ тайёрланиб, ўз вақтида харидорларга етказиб берилди. Энг қувончлиси, бу — заводда тайёр сутдан оқилона фойдаланиш, тежамкорликка эътибор кучаяётгани туфайли. Шу тариқа ўтган йили 1000 тонна сут тежаб қолинди. Шундай тежашлар туфайли 845 тонна қаймоқ ишлаб чиқаришга эришилди.

Энди дўппини олиб қўйиб, бафуржа хомчўт қилиб кўрайлик. Ҳисоб-китобларнинг далолатича, агар буларнинг ҳаммасини пулга чақадиган бўлсак, қуйидагича хулоса чиқади: бултур корхонада 200 минг сўм ўрнига 362 минг сўм соф фойда кўрилди. Бироқ суюнишга эрта. Ҳозирча давомийлиги номаълум бўлиб турган қиммат-чилик, нарх-наводаги беқарорлик шароитида бу фойда денгиздан томчи, холос. Агар заводда шу кечакундузда 154 киши меҳнат қилаётганини, уларнинг ҳар бири ўртача 1000—1400 минг сўм атрофида маош олаётганини ҳисобга олсак, олинган ҳалиги фойда билан мушук офтобга чиқмаслиги рўй-рост равшан бўлади-қолади. Хўш, нима қилмоқ керак? Қандай йўл тутилса, бугунги бозор иқтисодиёти билан рақобат қилиш мумкин?..

Ҳозир ҳамма шу ҳақда ўйлаяпти. Завод раҳбарияти, жумладан корхона директори Мелибой Жўраев ҳам шу ҳақда бош қотирмоқда. Йўли топила қолса-ю, иқтисодиёт нурафшон йўлга тушиб олса. Бунда муҳими — калаванинг учини топиб олиш. Бироқ калава ҳам жуда чигал-да. Шундан бўлса керак, директор ўз қаватига ишбилармон, тадбиркор мутахассисларни, тажрибали технолог ҳамда муҳандисларни жалб этмоқда. Мақсад битта — мукаммал шартнома шартларини ишлаб чиқиш, илғор сут заводлари билан тажриба алмашиш, заводдаги асбоб-ускуналарни хорижнинг автоматлашган замонавий технологияси билан қайта жиҳозлашга эришишдан иборат.

Изланишлар умид уйғотмоқда. Дастлабки натижалар мутахассисларни илҳомлантирмоқда. Заводда чет мамлакатларнинг сут қадоқлайдиган, зардоб ажратиб оладиган, қаймоқ тайёрлайдиган узеллари ҳаракатга келди. Яна бир яхши тадбир шуки, завод қувватини ошириш мақсадида 2 та янги қўшимча линия қуриб ишга туширилди. Натижада завод қувватини оширишга, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини анча кўпайтиришга эришилди. Агар 1981 йилда атиги 30 тонна сут қабул қилиб, қайта ишланган бўлса, эндиликда ҳар сменада 75—80 тонна маҳсулотни қайта ишлаш имкони топилди. Агар тайёр маҳсулот пешма-пеш етказиб бериб турилса, завод ҳар кеча-кундузда бемалол 100 тонна сутни ҳам қайта ишлашга қодир бўлиб қолади.

Таъкидлашларича, бунда директор атрофига уюшган мутахассислар гуруҳи қўшаётган ҳисса катта. Чунки завод муҳандислари ва технологлари ишни тубдан қайта ташкил этишмоқда. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўли изланяпти. Бу йил завод бўйича 25 минг тонна сут қайта ишланиши лозим. Ўтган 6 ойда эса 10 минг тонна сут қайта ишланиши керак эди. Афсуски, 8 минг тонна сутни қайта ишлашгагина эришилди. Кўриниб турибдики, режа бажарилишига 2 минг тонна сут етмай қолди.

Хўш, айбдор ким? Завод жамоасими ёки заводни сут билан таъминловчи хўжаликларми? Йўқ, ҳар иккиси ҳам эмас. Режа уддаланмаслигига асосий айбдор — иқтисодий тангликдан тинкаси қуриган талабчан харидордир. Ахир, илгари ҳар литри 35—40 тийин бўлган сутни бугун қайси харидор 4—5 сўмдан олади? Ёки қарийб юз баравар қимматлашган қатиқ билан қаймоқни ким ҳам рўзғордан орттириб харид қилиши мумкин? Шундан бўлса керак, савдо ташкилотлари, саноат корхоналари заводга қадоқланган сут олиш юзасидан талабномаларни оз юборишаяпти. Оқибатда завод ярим йиллик пишлоқ, музқаймоқ, сариғ ёғ ишлаб чиқариш режаларини уддалади-ю, тоза сут, қатиқ, қаймоқ юзасидан белгиланган режалар ора йўлда қолиб кетди.

ДАРВОҚЕ, режалар ҳақида. Режали ишнинг натижаси ҳосиятли бўлади. Бунга мисоллар кўп. Бироқ режани қаттиқ қилиб қўйиш ҳамиша ҳам манфаат келтирмас экан. Кўпдан бери режадан чиқмаслик ҳақида маслаҳат беришади. Лекин... Режадан чиқмасликнинг салбий жиҳати ҳам бор. Бу эса маҳсулотнинг заводга ўз вақтида етказиб берилмаслигидир. Масалан, биргина Навбаҳор райони хўжаликларининг ўзи ўтган олти ой давомида 600 тонна сутни кам етказиб берди.

Бу ҳам ўз навбатида нарх-наво билан боғлиқ. Чунки шу 600 тонна сутнинг 450 тоннаси хўжалик аъзоларидан хусусий тартибда йиғиб олиниши лозим эди. Афсуски, бозорда ҳар килограмм сариғ ёғ 160 сўм атрофида бўлган ҳозирги шароитда ҳар литр сут 5—6 сўмданга баҳоланмоқда. Бунақада ким ҳам заводга сут берарди.

Ёҳуд қўшни Бухоро вилоятидаги Ғиждувон районидан ҳам ўтган ярим йилликда 300 тонна сут кам келди. Шунингдек, Бухоро сут комбинатининг ўзи ҳам ҳар куни 5—6 тонна сутни заводга оз юборяпти. Баҳона ўша-ўша: «Аҳоли сут маҳсулоти бермаяпти», Сут ўзимизга етишмаяпти».

Аммо яна айтамиз: бу билан завод иши тўхтаб қолгани ёки корхона жамоаси иқтисодий жиҳатдан унчалик қийналгани йўқ. Фақат «Бирники мингга — мингники туманга» деганларидек, ишлаб чиқарилган сут ва қатиқ маҳсулотлари навоийликларнинг ўзидан ортмаяпти. Аслида Томди, Учқудуқ районлари, Зарафшон шаҳар аҳолисига — қўйчивонларга, олтинтопарлар ва саноатчиларга ҳам худди шу заводдан сут-қатиқ бориши керак.

— Калаванинг учини аллақачон топиб олганмиз, — дейди Мелибой Жўраев. — Бизга белгиланган нормада сифатли сут етказиб берилса ва қайта ишланган сут зардоби ўз вақтида олиб кетилса бас. Қолганини ўзимиз эплайверамиз. Чунки, «гўшт суяксиз — сут зардобсиз бўлмас» деганлар. Шунга ўхшаб бизда ишланган маҳсулотнинг ҳам ёғи олинган, ҳам ичимликбоп турлари мавжуд.

Аслида биз билан шартнома тузган ҳар бир хўжалик заводга топширган сутининг 20 фоиз зардобини ўз транспортида олиб кетиши ва ундан чўчқачиликда, бузоқлар парваришида фойдаланиши керак. Бироқ хўжаликлар раҳбарлари бунга эътибор беришмаяпти. Натижада шу йилнинг ўтган даври мобайнида заводда 3 минг тонна зардоб йиғилиб қолди. Ўтган йили ҳам худди шу зардоб туриб қолишининг ўзидан 500 минг сўм зарар кўрдик. Бу аҳволда қандай қилиб завод иқтисодиётини тиклаш, ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш мумкин?

Масаланинг яна бир чигал томони шуки, биз заводда зардобдан фойдаланиш мақсадида новвойхона, сомсахона очмоқчимиз. Бироқ шаҳар ҳокимияти бу ўринда бизни қўллаб-қувватлаши, завод иш дастури ва уставига ўзгартишлар киритиб бериши шарт. Бусиз тушовланиб қоляпмиз. Мустақил ҳаракат қилолмаслик иқтисодиётга зарар беради. Билмадик, бу масала қачон ҳал этилади-ю, қачон корхонада эркин ҳаракат қилар эканмиз — буни ҳозирча ҳеч ким билмайди.

Ҳа, завод директорининг куйиб-пишганича бор. Бултур биргина Ғиждувон районининг ўзидан давлат ва жамоа хўжаликлари 1200 тонна ёғсиз сутни вақтида олиб кетишмади. Шунча миқдордаги зардобни Навоий, Навбаҳор районлари хўжаликлари ҳам ташиб олишмади. Ҳатто завод ўз транспорти билан зардобни хўжаликларга етказиб беришга ҳам рози. Аммо хўжаликлар раҳбарлари тўраларча ишлаш усулидан воз кечмаяпти. «Отанга бор, онанга бор», деганлари шу бўлса керак. Бундан ташқари, Навоий ва Кармана нон заводлари ҳам ёғсиз сутни сотиб олиб, нон тайёрлашда фойдаланса, маҳсулоти харидоргир бўларди.

Калаванинг учи топилди, бу ёғига ишлар юришиб кетади, дея таъкидладик. Дарҳақиқат, заводда илгари муаммо ҳисобланган шиша идишлар, бидонлар, қадоқлаш қоғозлари масаласи деярли ҳал этилди. Қувасой шиша идишлар заводи, Ҳамдўстлик мамлакатларидаги корхоналар билан бу борада шартномалар туздик. Лекин маҳаллий ҳокимият раҳбарлари қани энди завод жамоасига Навоий шаҳридан 2—3 та магазин сотиб олишларига рухсат беришса? Бу, биринчидан, маҳсулот сифатини яхшиласа, иккинчидан, завод иқтисодиётини кўтаришга имкон берарди.

Ҳозир шаҳардаги кўплаб сут-қатиқ, қаймоқ билан савдо қилувчи дўконларда, магазинларда совутгичлар, махсус бидонлар йўқ. Бу эса маҳсулот сифати бузилишига, харидорнинг ранжишига олиб келмоқда. Заводнинг ўз магазинлари бўлганда эди, зарур музлатгичлар, керакли бидонлар масаласи ҳам ҳал этиларди. Харидорга ҳоҳлаган вақтда сифатли сут маҳсулотлари етказиб бериларди. Буни завод ҳузурида очилган «Наврўз» сут-қатиқ дўкони фаолияти ҳам тасдиқлаб турибди. Дўкондан фақат шаҳарликларгина эмас, хатирчилик ва нуроталиклар ҳам баҳраманд бўлиб сифатли қаймоқ, сут-қатиқ харид қилишяпти. Энди бундай савдо дўконлари шаҳарнинг ўзида ва Карманада ҳам кўпайса деган ширин орзу пайдо бўлди.

Бизнингча, энди ўша ёғсиз сут зардобининг қайта ишланиши, тўкиб юборилмаслиги учун завод қошида новвойхона ва сомсахоналар очиш вақти келди. Ахир, буларнинг турган-битгани фойда манбаи-ку! Калаванинг учи топилди, деганимизда худди шу қўшимча резерв ва имкониятларни назарда тутган эдик. Чунки ҳозирги танглик шароитида ҳар ким «ўзинг учун ўл етим» қабилида иш тутиши лозим бўлиб қолди. Ҳеч ким четдан келиб муаммони ҳал этиб бермайди.

Шундай экан, Навоий вилояти ҳокимияти сут заводига амалий ёрдам кўрсатади, муаммоларни ижобий ҳал этишда яқиндан кўмак беради, деб ишонамиз.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

ПУЧ УРУҒНИНГ ТАШВИШИ

... Бироқ кейинги пайтларда Сурхондарёда кетма-кет ғалати воқеалар рўй беряптики, уларни таҳлил этиш орқали бошқа нохушликларнинг олдини олиш, хатоларни такрорламаслик каби эзгу-ниятдан бўлак муддаомиз йўқ...

Бу сатрлар газетамизнинг «СУРХОНДАРЁДА СУСТКАШЛИК ёки иқтисодий таназзул сабаблари хусусида» (Ўзбекистон овози» 1992 йил 8 август) моқоласидан олинди. Биз унда вилоятдаги иқтисодий таназзулида ҳокимиятнинг сусткашлигини танқид қилган эдик. Қуйидаги мақолада эса мазкур вилоятдаги яна бир катта пала-партишлик, хўжасизлик хусусида фикр юритилади.

БИР танишим «Чўпон кўпайса, қўй ҳаром ўлади» деган гапни қайта ишлабди: — «Чўпон кўпайса, қоғоз кўпаяди, қоғоз кўпайса, бош оғриғи кўпаяди», дейди.

Коса тагидаги нимкосани тавсифлаб ўтирмайман. Шу йил чигит экиш палласида бир «бошоғриқ» воқеадан хабар топмаганимда танишимнинг бу гапини эҳтимол эслаб ҳам ўтирмасдим.

«Бошоғриқ» воқеа...

Келинг, яхшиси, бир бошидан гаплашайлик.

Жарқўрғон район агросаноат уюшмасининг раиси Чори Чўтпўлатов район худудидаги «Сурхон» пахта тозалаш заводига апрель ойи бошида фармойиш қилди. Фармойишда 1992 йилда районнинг хўжаликларига экиш учун «Наманган-77» навли пахта чигитидан 503 тонна ажратиш билдирилди. Бу билдириш вилоят пахта уруғчилиги бирлашмасининг 1992 йил 16 мартда чиқарган қарорини пучакка чиқариш, ва умуман бирлашманинг фаолиятию ваколатини тан олмаслик билан баробар эди. Чунки бирлашманинг юқоридаги қарорига кўра завод Жарқўрғон районига бу йил «Наманган-77» нав чигитидан 102 тоннадан зиёд бермаслиги керак эди.

Энди гапни «Сурхон» пахта заводидан эшитинг.

Завод директори Саттор Тошбоевни, у минг салобатли йигит бўлмасин, «Наманган-77» уруғидан фалончига унча тонна беринг, пистончига бунча тонна беринг, деган фармону кўрсатмалар битилган қоғозлар билан гўё кўмиб ташлашди. Қоғоз кўп бўлгани билан, чигит оз эди. «Наманган-77» нинг ҳосилидан тайёрлаб қўйган уруғлик чигитлар 460 тоннадан ошмасди. Чўтпўлатовнинг хатидан сўнг эса буюртмалар 700 тоннадан ошиб кетганди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 28 январда тасдиқлаган уруғлик чигит ҳақидаги Низомига кўра завод лабораторияси сифат ёрлиғи (сертификат)сиз уруғлик чигитни чиқармаслиги лозим эди. Юқори ташкилотларнинг имкониятга асосланмаган фармойишларини рад қилиши мумкин эди.

Лекин Тошбоев бундай қилмади. Унинг эҳтимол кўнгилчанлиги тутдими, ёки пухталик қилмоқчи бўлдими, ҳар қалай, «Сих ҳам қуймасин, кабоб ҳам» деганнинг ишини қилди. «Наманган-77» уруғини сўраб келганни қуруқ қайтармади. Ва афсуски, шу билан у ҳам сихни қуйдирди, ҳам кабообни. Пухталик қилмоқчи бўлганининг миси чиқди. У берган «Наманган-77» чигит кўп жойларда тўлиқ униб чиқмади. Уруғликка техник чигит аралаштириб юборгани маълум бўлиб қолди. Ёнилғининг ҳар килограммини 6—7 сўмдан (ўша пайтда) сотиб олиб трактор ишлатаётган деҳқоннинг қилган хизматига ичи ачишди. Йўқотган вақтига ичи ачишди. Тошбоевнинг устидан тегишли идораларга шикоят қилишди. Шикоятлар ўрганиб кўрилганда, деҳқоннинг даъвоси тўғрилиги тасдиқланди. Уруғнинг сифатсизлигидан хўжаликлар 2 миллион сўм атрофида иқтисодий зиён кўргани аён бўлди.

Масала зудлик билан вилоят деҳқончилик саноати уюшмасининг мажлисида кўриб чиқилди. Тошбоевни лавозимидан бўшатмоқчи бўлдилар. Бўшата олмадилар. Сабаби, Тошбоев раҳбарлик қилиб турган корхона деҳқончилик уюшмасига эмас, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг селекция, уруғчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига бўйсинар экан.

Шундай катта масала кўрилган мажлисдан ҳамма «қуруқ» чиқмасин, деган мулоҳазага борибми, Ч. Чўтпўлатовга «ҳайфсан» берилди. Вилоятнинг рўзномаси бу ҳолни «Чўтпўлатов фақат «ҳайфсан» билан қутилиб қолди, лекин деҳқонларнинг кўрган зарари кимдан ундирилади?» деб шарҳлади. Ҳайфсанга қўл силтаб қўйган Чўтпўлатовнинг кўнглига рўзноманинг бу шарҳи қаттиқ тегди, шекилли у: «Рўзномани судга бериш керак, «Сурхон» заводи бизнинг ҳудудимизда. Демак, завод тайёрлаган чигитнинг яхшисини аввало ўзимиз экишимиз керак. Бирлашма юқоридан туриб бизга «команда» бермасин энди. Ишимизга аралашмасин. Умуман юқори ташкилотлар оғиримизни енгил қилишлари ўрнига нуқул ҳалал беришади», деди.

Мен Чўтпўлатовдан сўрадим, нега вилоят ижроия қўмитаси ва уруғчилик бирлашмаси тавсия қилган уруғни эмас, «Наманган-77»ни экишга тўсатдан жазм қилдингиз дедим.

Чўтпўлатов бу гап вилоят режалаштириш қўмитасидан (ўшанда қўмитага М. Бердиев раис эди) қойниб гапирди. Қўмитадагилар ишни кабинетдан, тўрт девордан чиқмай режалаштирадилар, деди. Масалан, 1992 йили районимиздан 32,5 фоиз кўрсатмаларига хилоф равишда «фалон хўжаликка фалон уруғдан фалон тонна бериб юборинг», деган қоғозлари кўпайиб кетади. Уруғ тақсимотидаги интизомни ўзи буза бошлайди. Бизни чалғитиб ташлайди, деди.

Тошбоевнинг, иккинчидан деб бошлаган гапи қизиқ бўлди. Айрим хўжаликларнинг агрономларини Абдулла Қаҳҳорнинг Қобил бобоси («Ўғри» ҳикоясида)га ўхшатади. Аминнинг Қобил бобога айтган: — «Яхши ҳўкиз биров етакласа кетаверадими?», деган гапини эслатди. Ва бунга, агроном чин агроном бўлса, дуч келган чигитни олиб бориб экаверадими, деган гапни илова қилди.

— Мисол билан гапирай, —деди Тошбоев қоғоз титкилаб. — «Ўзбекистон» давлат хўжалигининг агрономи уруғчилик бирлашмасининг раиси Жўраевдан «Наманган-77» уруғини сўраб, 90 тоннага қоғоз олиб келди. Чигит сифатсиз, яроқсиз, дедим. Бермадим. Бир танишимизни орага солиб келди. Яна рад қилдим. Охири Жўраевнинг ўзини етаклаб келди. Э, шундан сўнг, ол, мана чигит, дедим. Олди. Экди. Энди бўлса, Тошбоев бизга техник чигит берди, иқтисодимизга ярим миллион сўм зарар етказди. Зарарни марҳамат қилиб тўласин, деб ўша агрономнинг ўзи жар солиб юрипти. «Кўр тутганини қўймайди» деган гап бор. Чигитнинг унувчанлигини билиш учун асл мутахассис уни лабораторияга солиб ўтирмасдан, кесиб кўриб ҳам билиб олиши мумкин. Мана бугун коса кўзага текканда ким ёмон — завод ёмон, Тошбоев ёмон. Яхши деҳқон уруғни ўзи етиштириши керак. Умуман фалончи хўжалик уруғ етиштиришга ихтисослашади-ю, бошқа хўжаликлар у етиштирган уруғдан сотиб оладилар, деган тартиблар эскирмадимикан энди. Пахта уруғчилиги деган бутун бошли бирлашма очиб қўйиб, бирлашмага қўша-қўша хизмат машиналари-ю, ҳатто зоотехник деган штатлар бериб қўйилишига қаршиман. Ўзимдан ўтган бўлса жавоб бераман. Лекин бошқалар ҳам аравасини тўғри тортсин, дейман.

— Бир ҳисобда бу директор тўғри гапни айтипти, — дейди уруғчилик бирлашмасига қарашли Қумқўрғондаги С. Бойматов номли колхознинг раиси Эргаш Жумаев. — Бизга районнинг ўзидан ўнтага яқин ташкилот раҳбарлик қилиб тургани етмагандай, вилоят уруғчилик бирлашмаси ҳам қўшимчага эшимча. Иқтисодчилари иқтисодчиларимизни, ҳисобчилари ҳисобчиларимизни, зоотехниклари зоотехникларимизни идораларга чақириб олишиб (ўзлари келишмайди), қоғоз тўлдиришади. Амалий ёрдамлари тегса-ку қуллуқ дердик. Ёрдам қайда. Ёрдам — ноль! Бошни қотиришларини сўрасангиз... Мен республика қишлоқ хўжалик вазирига бунақа бирлашма керак эмас, деб икки марта айтдим. Ўйлаб кўрамиз, дейишган...

Дарвоқе, вилоят деҳқончилик уюшмаси раиси Қ. Бозоров бирлашма хусусида Жумаевнинг фикрини такрорлади. Ҳатто Жўраевнинг ўзи ҳам пахта уруғчилиги лабораториялари, уруғчилик, нав синаш участкалари хўжалик ҳисобига ўтиши керак. Биз ҳам ўзимизга тегишли хўжаликларнинг мол-ҳоли-ю ҳисобкитоб ишларини суриштириш билан ўралашмасдан уруғчилик ишлари билан шуғулланишимиз лозим, деб қолди.

Бу мулоҳазаларга муносабат билдиришни Қишлоқ хўжалик вазирлиги диққатига ҳавола қилсак-да, «Наманган-77»га таалуқли можаролар тафсилотини баён қилишда давом этсак.

Тошбоевнинг сувдан қуруқ чиққани (ёки ҳозирча сувдан қуруқ чиқиб тургани) Бойниёз Жўраевнинг аламини қўзғатгандай бўлди. Жўраев «Сурхон» заводида ишлаб турган Исмоил Ҳолиқов деган назоратчи агрономга уруғлик чигити хўжаликларга ўзбошимчалик билан тарқатилишига йўл қўйилгани учун (эгасиз гап) қаттиқ ҳайфсан берди. Сизни ишдан бўшатаман, аризангизни ёзинг, деди.

Ҳолиқов ҳам, гуноҳкорман, тақсир деб қараб ўтирмади. Кимга қандай чигит берилиши керагу, қандай чигит берилаётгани ҳақида вақтида хабардор қилинмаслигидан, бирлашнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини билмаслигига Алишер эмас, унга агрономсан, деб маош бериб ўтирганлар айбдордир. Ёки пахта уруғчилиги лабораторияларининг 5 та хизмат машинасидан лабораторияларда эмас, аппаратнинг ўзида фойдаланиб келинмоқда, машиналарни бирлашманинг бош мутахассислари минишади.

ЖЎРАЕВ мени бирлашманинг бош ҳисобчиси Давлат Шаропов билан таништирди.

— Акамиз иқтисод фанлари номзоди. Бу ердан қирқ чақирим нариданмас — Ангордан қатнаб ишлайдилар, — деди. Шароповдан мен ўзи фойдаланиб турган «Москвич» енгил автомашинасининг бир ойлик амортизация ва ёнилғи харажатларини сўрадим. Шаропов, билмайман (билса ҳам айтишни истамади), деди. Сўнг, аввал ўзи колхозда раис бўлиб ишлаганини, бир фельетондан сўнг раисликдан бўшаганини сўзлай кетди ва ўша фельетоннинг оламдан кўз юмган муаллифи гўрига ярим соатча тош отди. Шунда ёдимга Ҳадиси шарифдан «Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилингизни тийинглар» деган гап тушди. Бу гапни Шароповга айтмоқчи эдим, эшитишни истамади. Ҳолиқовнинг шикоят хат ёзганини билиб, баттар тутоқди. Ҳолиқов — эшон. Ҳолиқов —хўжа. Ҳолиқов — диндор. Ҳолиқов ишламайди. Ҳолиқовнинг кўни одамларнинг жанозасида ўтади, деди ва биз ҳам ҳозир Ангорга, бир жанозага бормогимиз лозим деди-ю, бошлиғининг райнга ҳам қараб ўтирмасдан турди-кетди.

Мен бу гал айтадиганимни айтишга улгурдим. «Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ» деган мақолни эслатдим.

Юқоридаги гапларни қоғозга тушириш билан пуч чигитнинг жазиридан тўғилган ўша 2 миллион сўмлик зарарни айбдорлардан ундириб олиш керак, деб тегишли органларга маслаҳат бермоқчи эмасман. Бу йилги баҳор сурхондарёликлар учун ҳам серташвиш келди. Май ойининг охирига қадар дўл, жаланинг кети узилмади. Жами пахта майдонларининг қарийб учдан бир қисмида чигит қайта экилди. Сурхон дарёсининг тошқинлари ташвиш устига ташвиш қўшди. Бу йилги табиий офатнинг зарарини чўтга солсангиз, эх-ҳе, биз ҳозир тилга олган икки миллион сўм унинг олдида урвоқ ҳам бўлолмас.

Лекин бир нарсани таъкидлаймиз, табиий офат бу табиатнинг иши. Бандасининг табиатнинг ишига, худонинг иродасига шукур, дейишдан бўлак иложи йўқ.

Одамларнинг эса кўра-била туриб бир-бирларига панд бериши, зарар бериши, кўзбўямачилик қилиши — энди бу ҳеч қанақа шукроналикка тўғри келмас. Ва бундай пайтда ўзини ўзи оқлаб ўтириш ҳам вожиб ўтмас.

Раҳбарнинг аррани тўғри тортмаслиги, унинг салоҳиятини синдиради. Салоҳиятини емиради. Салоҳият емирилаяптими, худди «Сурхон» пахта заводи олдидаги содир бўлган фавқулодда ҳолатга ўхшаш воқеалар қўзиқоринидай оёқнинг остидан ўсиб чиқаверади. Ва бу нарса элнинг, юртнинг риски-насибаси баракасини учиради. Раҳбарнинг салоҳияти емирилаяптими, Ҳолиқовга ўхшаган оддий одамлар, раҳбар олдин ўзини тузатсин, сўнг тиш ёриб бизга бир гап айтса олади, деб туради.

Бойниёз Жўраевни мен тўғри тушунаман. У Тошбоевга қасдма-қасликдан эмас, ўзига ташвиш ортишини билса ҳам, элнинг ўша ҳавога учган 2 миллион сўмлик насибасига юраги ачишганидан, виждони қийналганидан бу гапни ошкор қилди. Эҳтимол бу билан ўзидан ўтган камчиликларга ҳам тик қарай олиши мумкинлигини кўрсатди.

Бир тафсилот: Сурхон дарёси тошган кунлари Жарқўрғондаги кўприк устида шу районнинг икки раҳбарини учратиб қолдик. Бири айтди, кеча дарё беш-олтита янги ҳарини оқизиб ўтди, деди. Иккинчиси кулди. Ҳокимлик дарё ювиб кетаётган соҳилларни мустаҳкамлаш учун тегишли ташкилотга 200 куб метрча ёғоч ажратган. Ўша беш-олти ёғоч хўжакўрсин учун оқизилган. Қолгани оқимнинг тагидан «оқиб» кетса керак деди. Бу ярим ҳазил айтилган гап бизда ҳам кулги ўйғотди, ҳам мунг.

Айтмоқчиманки, Жўраевнинг озгина ичкуярлиги сабаб бўлиб, ҳаёт оқимининг айрим яширин ўзанларига назар солдик. Озгина ичкуярлик, Қанчалар илҳақлигу эҳтиёж бор шу озгина ичкуярликда...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА

ҚИРҚ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ УЧРАШУВ

● ЖИЗЗАХ педагогика билим юрти ҳовлиси гавжум эди. Катта кўчадан ўтаётган машиналардаги кишилар ҳам бир зум тўхтаб, даврада рақс тушаётган, мириқиб суҳбатлашаётган, сочларига оқ оралаган бўлишига қарамай, ҳали тетик ва шодон одамларга ҳавас билан қарашади.

Бу ерда билим юртини 1952 йилда тамомлаган собиқ талабалар учрашдилар. Ўшанда улар 65 нафар эди. Энди 46 киши қолибди.

— Ўрта мактаб ва институтларни битирганлар учрашувини кўп кўрганман. Аммо бунақасида биринчи бор қатнашишим, — дейди ўша йилларда билим юртига раҳбарлик қилган Аҳмад Имомназаров. — Ташаббускор, меҳр-оқибатли шогирдларимга қараб туриб, қилган меҳнатимдан фахрланиб ўтирибман.

Дарвоқе билим юртини битириб, мустақил ҳаётга қадам қўйганлар орасида ажойиб раҳбарлар, олимлар бор. Шу куни кўпчилик З. Сатторов, М. Икромов, М. Тоғаев, Б. Соимов, М. Носиров кабилар номини ифтихор билан тилга олдилар. Атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовнинг ҳам худди шу ерда таҳсил олганлиги ҳақида гапиришиб, фахрланишди.

ТЕСТ СИНОВИ ЕНГИЛ КЎЧДИ

● ЖИЗЗАХ педагогика институтида бўлиб ўтган ТЕСТ синовлари юзлаб ота-оналар тили билан айтганда барчанинг оғирини енгил қилди.

Эрталабдан вилоятнинг районларидан тажрибали, обрўли ўқитувчилар институтга етиб келишди. Барча район ва шаҳар ҳокимликларидан вакиллар, давлат назорати, халқ таълими идораларининг мутахассислари ҳам ТЕСТ синовларида иштирок этишди. Шунгача олий тоҳга кирувчилар билан олиб борилган катта тайёргарлик ишлари ўз самарасини берди. Қисқа тушунтириш ва эслатмалардан кейин барча гуруҳларда синов бошланди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

АЖДОДЛАРИМИЗ НИДОСИ

● Ватанпарварлик инсондаги энг олижаноб туйғулардан бири. У ғоят теран тарихий илдизларга эга. Ўз наслари, ота-боболари тилини, тарихини, улар қолдирган маданий ва маънавий меросни қадрламаган, она халқи ўтмишидан бехабар, бебаҳра кимсалар ватанпарварлик туйғусидан бутунлай йироқдирлар. Зеро, ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади, деб бежиз айтишмайди. Ўзбекистонимиз қадимий бой тарихга эга. Лекин унинг ҳали бизга номаълум бўлган сирли жиҳатлари жуда кўп.

САМАРҚАНД ва Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва Тошканд-Шош, Ахсикат ва Термиз қўли гул ҳунармандлар томонидан яратилган меъморчилик ёдгорликлари билан жаҳонда шуҳрат таратиб, кўп сайёҳларнинг диққат-эътиборини тортган. Ўлкамиздаги ҳамма обида ва ёдгорликлар ўрганилган, деб бўлмайди. Республика тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг жойлардаги вилоят, шаҳар, район кенгашларининг бу борада аҳоли, айниқса ўқувчилар ўртасида қилган тарғибот ишларини таъкидлаш жоиз. Лекция, маърузалар, радио ва телекўрсатув суҳбатлари уюштириш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, хотира жойлари ва ёдгорликлари бўйлаб экскурсиялар ташкил этиш, йирик корхоналарда, муассасаларда, мактабларда «Менинг Ўзбекистоним» шиори остида болалар ижодиёти конкурсларини ўтказиш шулар жумласига киради. Жамиятимиз «Ўзбекистон тарихи ва маданият ёдгорликлари ҳақида ҳикоялар», «Давр овози», «Бақтрия афсонаси», «Қашқадарё водийсида археологнинг изланиши ва топилмалари», «Самарқанд гузарлари» номли қатор асарларни нашрга тайёрлади ва босмадан чиқарди.

Хоразм вилоят Кенгаши қошида махсус лекторлар группаси ташкил этилган. Унда педагогика институти ўқитувчилари; Ичан-қалъа музей қўриқхонаси илмий ходимлари, «Билим» жамияти лекторлари тарғибот ишларини амалга оширишади.

Фақат бадал тўплаш билан чекланишнинг вақти ўтди. Тарих ва маданият ёдгорликларини асраш иши амалий ҳаракатни талаб қилади. Бу жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари назорат ва ёрдамни кучайтириши зарурлигини тақозо этади. Республика жамияти ва унинг маҳаллий бўлинмалари фаолиятини яхшилаш, уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, ёдгорликларни таъмирлаш, консервация қилиш учун қўшимча маблағлар излаб топишда хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнинг Низомига кўра, унинг маҳаллий бўлинмалари хўжалик ҳисоби, ширкат усулидаги таъмирлаш ва ишлаб чиқариш устахоналари сайёҳлик-экскурсия марказлари, савдо корхоналари ва бошқа ёдгорликлар билан ишлаш йўналиши ҳамда дастурига мос бўлинмаларни ташкил этишлари мумкин.

Кейинги йилларда Бухоро вилоят кенгаши бу соҳада кенг кўламда иш олиб бормоқда. Унинг ҳузурида ташкил этилган «Кўкалдош» ширкати таъмирлаш учун давлат бюджети режасига киритилмаган биноларни, шунингдек, архитектура ва музей аҳамиятига молик уй-жой фондларини тузатиш, қайта тиклаш билан жиддий шуғулланмоқда. Тошкент вилоят кенгаши ҳам хўжалик ҳисобидаги фаолиятни ривожлантириш бўйича тадбирлар кўрмоқда. Оққўрғон туманида «Ёдгорлик», Бекободда «Сайҳун» кичик корхоналари ташкил этилди. Самарқандда кулолчилик буюмлари тайёрлаш ва қурилиш ишларини бажариш бўйича «Ёдгорлик» номли кичик корхона ишлаб турибди. Жиззах хўжалик ҳисобидаги марказда Жиззах шаҳри, Жиззах ва Фориш районлари аҳолисига қурилиш хизмати кўрсатиш, ёдгорликларни қайта таъмирлаш бўйича учта бригада тузилди. Миллий безаклар билан ишланган гиламлар тайёрловчи цех қурилмоқда.

Ширкат туфайли корхона ва ташкилотларни, давлат ва жамоа хўжаликларини, жамоатчиликни ёдгорликларни асраш, таъмирлаш, улардан фойдаланиш ишига амалий жалб этишнинг янги шакл ва усуллари юзага келди. Шу пайтгача кенгаш ва унинг жойлардаги қўйи бўғинлари ходимлари тўпланадиган бадаллар ҳисобига маош олишарди. Хўжалик фаолияти йўлга қўйилгач, иш ҳақи жамғармасининг манбаи ўзгармоқда. Кенгашнинг айрим районлардаги бўлимлари ҳузурида кичик корхоналар ташкил этилди. Пешку районидаги «Афшона» ва Ғиждувонда «Заргар» корхоналари қадимий халқ ҳунармандчилиги — ганч ўймакорлиги, кулолсозлик анъаналарини тиклаб, ривожлантирибгина қолмай, ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Ҳисобот даврида жамият вилоят кенгаши ва унинг бўлинмалари томонидан ярим миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатилди. Жумладан, 200 минг сўм миқдорида таъмирлаш ишлари бажарилди. Эллик минг сўмдан зиёд маблағ ёдгорликлар атрофини ободонлаштиришга сарфланди. Хўжалик ишларининг яхши йўлга қўйилиши яқин давр ичида тўпланадиган бадалларнинг ҳаммаси — ҳар йили 200 минг сўм маблағни таъмирлашга ажратиш имконини беради. Солиқ системаси хўжалик ҳисобидаги марказлар, кичик корхона ва ширкатларни ривожлантириш жамғармаларини ташкил этишга халқит беряпти. Бунинг устига айрим шаҳар ва район кенгашларида эскича тафаккур юритиш қобиғидан чиқиб кетилмаётганлиги ҳам кўзга ташланмоқда.

Қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда шуни ҳам таъкидлаш зарурки, жамият тизимида хўжалик ҳисобидаги фаолиятни ривожлантириш бўйича ишларнинг умумий аҳволи бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шунинг учун барча вилоятлар кенгашлари ишини кескин кучайтириш лозим. Жамият қадимий карвон йўллари бўйлаб ўтказилаётган археологик қазилмаларга кўп йиллар давомида маблағ сарфлаб келмоқда. Жумладан, Булунғур районида жойлашган ўрта аср йирик маданий ёдгорлиги Ғиштепа тадқиқ қилинди. Мутахассислар уни Самарқанддан тўрт фарах наридаги Сўғд ва Чоч карвон йўлида жойлашган ва ёзма манбаларда тилга олинган ўрта аср Баркет шаҳрига ўхшатишди. Тадқиқотлар жараёнида XI—XII асрга оид бой кулолчилик мажмуи қўлга киритилди. Катта-Булунғур каналидан ўтган қадимий йўлнинг маълум бўлмаган қисми ҳамда улкан карвонсарой қолдиқлари очилди.

Жамият маблағи ҳисобига Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти қадимий йирик маданият ёдгорлиги — Тошкент вилояти Оққўрғон районида жойлашган Бенокент-Шаҳруҳия шаҳарчасида қазилма ишлари олиб бормоқда. Бу ёдгорлик манбаларда «Бенокет йўли» деб аталиб, Буюк ипак йўлидаги йирик транспортиқтисодий бўғинлардан бири сифатида қизиқиш уйғотади. XV асрда у Темур давлатининг муҳим маркази ва Темурнинг набираси, машҳур олим Мирза Улуғбек ҳокимиятининг шарқий чегараларидаги таянч базаси бўлган.

Заҳматкаш халқ усталари томонидан нозик дид, юксак маҳорат билан барпо бўлган меъморий ёдгорликлар халқимизнинг маданий бойлиги, фахри ва ғуруридир. Асрлар давомида бунёд этилган ноёб обидаларни, тарихий ёдгорликларни сақлаб, уни келгуси ёш авлодга етказиш эса муҳим аҳамиятга эга бўлган умумхалқ ва кенг жамоатчилик ишидир.

А. ТУХТАСИНОВ.
Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти тарғибот бўлими бошлиғи.

● *Маданий мерос — халқ мулки*



Шоҳимардон тоғларига чиққанмисиз? **Н. РАҲМОНОВ** олган сурат лавҳа.

● *Муштарий таклиф этади*

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги тугатилди. Халқимиз ўз миллий жанговор қўшинига эга бўлди. Мени бир нарса „кўпдан буён қийнайди. Болтиқбўйи жумҳуриятлари собиқ шўро армиясининг шу республикага келтирган зарарини пул билан тўлашни талаб қиляпти. Нима учун Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва республика ҳукумати округнинг жумҳуриятимиз табиатига ва ҳайвонот дунёсига келтирган зарари тўғрисида лом-лим демайди?

Жумҳуриятимизнинг кўпгина жаннатмакон, доривор ўсимликлар ва ноёб ҳайвонот дунёсига бой районларида собиқ қўмондонликнинг кўплаб овчилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа «кўнгилочар» хўжаликлари ўя» қуриб олган. Ўзбекистондаги ҳайвонот дунёсининг ноёб вакиллари кийик, бедана, каклик ва бошқа жонзотларнинг камайиб кетишида унинг ҳам муносиб «улуши» бор. Биргина мисол. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманлигининг Чимён тоғ-ён бағрилари юқорисида Булдурсой деган хушманзара жой бор. Илгарилари бу ерларда каклик, қирғовул, бедана, кийик ва ёввойи чўчқалар бўлган. Маҳаллий аҳолининг гапига қараганда, «учёбка» баҳонаси билан овчилик қилиш учун Туркистон ҳарбий округи қўмондонлигидан кўплаб зобитлар келиб, ов милтиқлари билан бу ерларни шафқатсизларча забт этишган.

Матбуотда кўпинча Ўзбекистоннинг экологик ҳалокатини Орол денгизи билан боғлашади. Фикримча, жумҳуриятимиздаги ҳар хил турдаги қушлар, бошқа ҳайвонот оламининг камайиб, полиз далаларимизда калорадо ва бизга номаълум бошқа турдаги зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайиб кетишида қўмондонликнинг овчилик хўжаликлари ҳам «баракали» ҳисса қўшишган.

Туркистон диёрининг бой табиатини келажак авлодга бешикаст етказиш масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг мутасадди раҳбарлари комиссия тузиб, қўмондонлик хўжаликларида тафтиш ўтказса ва лозим бўлса, қўмондонликка керакли миқдорда жарима солса, мақсадга мувофиқ бўлармиди?!

Ҳ. ШУКУРОВ,
Тошкент вилояти.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА

ЛАЗЕР ТАБОБАТИ МАРКАЗИ

● САМАРҚАНДДАГИ болалар жарроҳлиги хонасида лазер табобати маркази очилди. Дарвоқе, мазкур усул шаҳар касалхоналарида ўн йилдан буён муваффақиятли синовдан ўтаётир.

Лазер нури бронхиал астма, шамоллаш, гепатит ва бир қатор тери касалликларини даволашда катта самара бераётир. Дорилар тақчил ҳозирги даврда лазер нури даволанишнинг мақбул усули ҳисобланади. Лазер табобати маркази шу соҳа мутахассисларининг малакасини ҳам оширади. Бу ерда пуллик хизмат йўлга қўйилади.

ОЛМОНИЯДАН КЕЛГАН ДАСТХАТ

● САМАРҚАНД халқаро тинчлик ва биродарлик жамоатчилик музейининг «Дунё дастхати» бўлими яна бир нодир ҳужжат билан бойиди.

Бу ерга Олмония Федератив Республикаси Федерал президенти Рихард фон Вайцзеккер ҳам ўз суратига дастхат ёзиб юборди. Ҳукумат бошлиғи лавозимига келгунига қадар ҳуқуқшунослик фанлари доктори бўлган фон Вайцзеккер диндорлар Бутунжаҳон кенгаши ижрокомининг аъзоси, Бундестаг вице-президенти, Ғарбий Берлиндаги энг йирик Бургомистерлардан бири эди.

УЧ КУН ИШЛАБ, ТЎРТ КУН ДАМ

● ИИЛНИНГ бошида Сиёб райони раҳбарияти жамоатчилик билан келишилган ҳолда хотин-қизлар кунлик иш вақтини бир соатга қисқартирган эди.

Яқинда «8-Март» бирлашмаси маъмурияти ўз ишчиларига яна бир қулайлик яратди. Хотин-қизлар уч кун тиғиз графикда ишлаб, шанба ва якшанбадан ташқари яна икки кун дам оладиган бўлишди. Яна аёллар фарзандларини корхона боғчасида бепул тарбиялашади.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Спорт*

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИГА САЗОВОР ПОЛВОН

Шаҳрисабзда миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ғолиблари аниқланди

● МУСТАҚИЛ диёримизда қадимий анъана ва қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Отахонлар ҳеч бир маросим, тўю-томошалар полвонларнинг беллашувисиз ўтмаганини таъкидлашади. Бундай хайрли удумларимиз унутилаёзган эди. Мустақилликнинг шарофати билан мамлакатимиз шаҳар-қишлоқларида тўй-томошалар яна полвонларнинг чиқишлари билан уйғунлашмоқда.

Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир ўзига хос спорт байрамига айланди. Беллашиб совриндор бўлиш учун Қозоғистон ва Ўрта Осиё Республикалари ҳамда Кавказ ортидан ташриф буюрган полвонлар соҳибқирон камол топган масканнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар. Уч кун давом этган хайрли тадбирнинг асосий қисми «Ҳисор» ўйингоҳида давом этди.

Беллашувлар полвонларнинг ёшлари ва вазнларига қараб ташкил этилди. Чунончи, 35 ёшгача бўлган курашчилар беллашувида шаҳрисабзлик Тўра Облоқулов (66 кг) ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Вазни 75 килограммли полвонлар орасида грузиялик меҳмонга ҳеч ким бас кела олмади. Динза Музашивили ғолиблик супасига кўтарилди. Қашқадарёлик Баҳром Асадов (81 кг) ҳам ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. 90 килограммли полвонлар қатори майдонга тушган бухоролик Шуҳрат Хўжаев маҳоратига мутахассислар тан беришди. Рустам Эргашев (90 кг) сурхондарёлик полвонлар шуҳратини оширди.

45 ёшгача бўлган полвонлар уч вазнда курашдилар. Жумладан, 70 килограммлик Владимир Марков (70 кг) билан Исмат Тўрақулов (85 кг) мезбонларга хос маҳорат кўрсатиб мухлисларни қувонтиришди. 85 килограммдан оғирроқ Тоҳир Дурдиев Бухорога соврин билан қайтадиган бўлди. 60 килограммгача бўлган полвонлар эса икки вазнда беллашдилар. Чунончи, бухоролик Нормўмин Юсупов билан қашқадарёлик Ҳайит Баҳромовлар ғолиблик супасига кўтарилишди.

Мусобақа қоидасига кўра 66 килограммдан ортиқ вазндаги полвонлар танловдан ташқари беллашдилар. Тажрибали бу полвонлар орасида Тўра Абдуллақулов халқаро мусобақа ғолиби бўлди.

Маълумки, халқаро мусобақанинг мутлақ ғолибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини бериш кўзда тутилган эди. Ана шу соврин учун курашда Рустам Эргашев билан Абдуқодир Пирматов майдонга тушдилар. Мухлисларда катта қизиқиш уйғотган бу беллашувда Абдуқодирнинг қўли баланд келди. Шундай қилиб, шаҳрисабзлик бу полвон видеомагнитафон ва чинни вазадан иборат ажойиб мукофот эгаси бўлди. Бундан ташқари мусобақа ғолибларига Қашқадарё вилояти ва Шаҳрисабз шаҳри ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг хомийлик тарзида таъсис этган мукофотлари ҳам тантанали суратда топширилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА, АРЗОН НАРХЛАРДА

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— «Қуёнча-1» уч ғилдиракли болалар велосипедини;

— Ҳамма ёшдаги болаларга мўлжалланган «Метиор» ўзиучгич (самокат)ларни;

— Телевизор учун столни;

— Маиший нарвонларни;

—Банкаларни беркитишда қўлланадиган машина ҳамда унга хос мосламаларни;

— Сочиққурутгичларни;

Юқорида қайд қилинган ва шунга ўхшаш маҳсулотларни заводнинг «Фойдали нарсалар» магазини савдо қўшимчасисиз сотади.

Манзилгоҳимиз: 700057, Тошкент шаҳри, Уста-Ширин кўчаси, 117-уй.

Телефонлар: 48-03-61, 48-15-62.

Автобуслар: 26, 43, 48, 50, 82, 93.

Троллейбуслар: 7, 10 («Жомий майдони» бекатигача).

КИМГА—АЗА, КИМГА—МАЗА

ТУБАНЛИК

● Шу йилнинг 28 майга ўтар кечаси Урганч шаҳридаги уйларнинг биридан ёнғин чиқиб, оқибатда хонадон соҳиби фожеали ҳалок бўлгани ҳақида ҳатто кундалик жумҳурият нашрларида, жумладан, қўлингиздаги рўзномада ҳам хабар берилган эди. Мақсадим — машъум бу воқеани эслатиб, куйган кўнгиллар ярасига яна туз сепиш эмас. Йўқ, шу оқшом ўзи шундоқ ҳам кулфатда қолаётган хонадонда юз берган бошқа бир кўнгилсизликни қаламга олиш, уни содир этганларга нафратимни изҳор қилишдир.

Мен одатда «Кимга — тўй, кимга — аза» деб айтиладиган иборани салгина таҳрир қилиб, мақолага бежиз сарлавҳа этиб қўймадим. Гап шундаки, ўша хонадондан чиққан тилсиз ёв билан кўни-қўшнилар, ўт ўчирувчилар мардонавор курашиб, оиланинг айрим бисотларини олов ичидан олиб чиқиб, холироқ бир жойга қўйишаётган, иложи борича бошқа нарсаларини ҳам қутқариб қолиш ташвишида зир югуришаётган дақиқаларда бу ерда мотоцикларга мингашган ўн-ўн икки чоқли йигитлар тўдаси пайдо бўлиб қолди. «Адидас», «Монтана» кийган бу башанг йигитларга аввалига ҳеч ким эътибор бермади.

Вазият қалтис, даҳшатли олов тобора кўкка ўрлаб, қўшни ҳовлини ҳам домига олаётганди, бир тўп одам тилсиз ёвни ўчиришга, бир тўпа ул-бул нарсани қутқаришга ёрдамлашиш билан банд эди. Йўқ, тасодифан пайдо бўлган бу йигитлар кўмак беришга ҳам, томошабин бўлиб, воқеани кузатиб туришга ҳам келишмаган экан. Улар ўзларини олов ичига уришмади, ёнғинни ўчиришга мадат беришмади. Улар айни пайтда назорат йўқлигидан, ҳамма ташвишда югурганидан фойдаланиб, ёнғиндан қутқарилган ашёлардан биттаикки тадан ўмаришиб, мотоцикларига босишганча тезгина жуфтакни рростлаб қолишди.

Албатта, уларни ҳеч ким танимади, ўша мудҳиш дамларда ҳеч ким ҳам танийдиган алпозда эмасди. Бундай пайтда ёмонлик қилишини хаёлингга ҳам келтирмайсан, киши. Афсуски, бир вақтнинг ўзида ана шундай жирканч кўнгилсизлик ҳам содир бўлди, бу кулфатзода хонадонда.

Милиция қаёққа қараётган эди, дейсизми? Ўзи, милиция ҳам ёнғин содир бўлган жойга ғоят кеч, ўшанда ҳам қайта-қайта қўнғироқлардан кейин етиб келганди. Ёнғин чиққан жой билан бўлинма оралиғидаги масофа узоқ ҳам эмасди, нари борса саккиз-ўн дақиқада етиб келиш мумкин эди. Ўша тундаги навбатчига — шаҳар ички ишлар бўлимига бир неча йил раҳбарлик қилган жумҳуриятда хизмат кўрсатган юрист, бугунги кунда нафақахўр Шермат ака Ортиқовнинг ўзи қўшнилар уйидан ёнғин чиққанини айтиб қўнғироқ қилганди. Лекин, ҳа деганда улардан дарак бўлавермади. Кейин яна ва яна қўнғироқ қилишди. Наф бўлмади. Шермат ака воқеани шаҳар ҳокимига сим қоқиб айтишга мажбур бўлди. Ана шундан кейингина фожеа юз берган даргоҳда шаҳар ички ишлар бўлими вакиллари пайдо бўлишди. Худди ўша пайтда «Адидас», «Монтана» кийган «морадерлар» — толончи йигитлар жуфтакни рростлаб қолишди. Милиция барвақт етиб келганда, балки «Ўлганнинг устига тепган» қабилида содир этилган бу қароқчиликнинг ҳам олди олинган, ўзи шундоқ ҳам куйган хонадон кимларнингдир ёрдами билан қутқариб қолинган, ул-бул ашёсидан ҳам айрилмаган бўларминди?!

Бир жойда бахтсиз фалокат юз бериб, унинг оқибати фожеали бир ўлим билан тугаса-ю, дод-фарёдга тўла уйга ўша мудҳиш дақиқаларнинг ўзида иккинчи бир офат—ўғирлик ва талончилик юзланса, буни орамизда яшаётган, аммо ниқобли муттаҳамлар содир этса — бундан ортиқ тубанлик бўлиши мумкинми?!

Ҳа, ундайларни ҳар қанча лаънатласа ҳам, қарғаса ҳам оз.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АДИБ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

● Давлат арбоби ва адиб Ш. Рашидов туғилган кунининг 75 йиллиги арафасида Олтиариқ райони марказий кутубхонасида ёзувчи асарлари кўргазмаси очилди ва адиб ижодига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди.

— Бундай кўргазма ва китобхонлар конференциялари белгиланган режага кўра, райондаги барча кутубхоналарда ўтказилмоқда. Юбилей арафасида ўтказилаётган бундай тадбирлар Ш. Рашидов асарларини янада кенг оммалаштиради, дейди район ҳокими ўринбосари Т. Тожиев.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АСАКА МОТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

1993 йилда қишлоқ хўжалик тракторларининг Д-144 двигателларини таъмирлаш учун барча вилоятлардаги давлат ва жамоа хўжаликлари ҳамда бошқа корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга тайёр.

Шартнома тузишни хоҳловчи ташкилотлар 1992 йил 1 ноябргача қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин:

Андижон вилояти, Асака шаҳри, Вокзальная кўчаси.

Маълумот учун телефонлар: 2-44-73, 2-43-75.

Телеграф аппарати: 168617 Шатун.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати—33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида —3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда—6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана»)—общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583. Буюртма № Г—281. № 159.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 20.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.